# ХАБАР

XABAR

خبر

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

**1992 йил мартдан чиқа бошлаган** ● **1997 йил, 4 июль № 27 (255)** ● Сотувда нархи эркин




***Шаҳарлараро телефон алоқасини таъминловчи жиҳозлар ўлчаш ва созлаш ишларини ўз вақтида олиб боришни талаб қилади. Буни яхши англаган Бухоро шаҳарлараро телефон станцияси ходимлари — Татьяна ФОМИНА, Назира БОЗОРОВА ва Галия АРЗУХАНОВАлар доимо ўз ишларини бекаму-кўст бажаришга интилишади.***

***Сураткаш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ***

## КАСБ МАҲОРАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ходимларнинг касб маҳорати иш сифатининг юқори даражада бўлиши учун муҳим омилдир. Наманган вилояти давлат электралоқа корхонасида якуний танловга қадар корхонанинг ҳамма боғламаларида ва шаҳар телефон-телеграф станциясида компьютер мутахассислари, телефончилар, линия электромантўрлари, радиолаштириш электромантўрлари, кабелчи-қалайловчилар ўртасида мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар вилоят танловида беллашиш учун таклиф қилинди. Вилоят давлат электралоқа корхонасининг бош муҳандиси О. Раҳматов бошчилигидаги танлов ҳайъати беллашувчиларнинг бажарган ишлари ва саволларга берган жавобларини холисона баҳолади.

Телефончилар танловида Наманган шаҳар телефон-телеграф станцияси телефончиси Н. Мансурова, компьютер мутахассислари ўртасидаги беллашувда Учқўрғон электралоқа боғламаси ходими И. Мирзаабдуллаев ғолибликни қўлга киритди. Линия электромантўрлари танловида Чортоқ тумани электралоқа боғламаси ходими Т. Ҳамроев, радиоэшиттириш электромантўрлари орасида шаҳар телефон-телеграф станцияси ходими И. Азимов биринчи ўринни олишиб, ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Кабелчи-қалайловчилар ўртасидаги мусобақада эса яна Наманган шаҳар телефон-телеграф станцияси ходими И. Раҳимов ғолиб бўлди.

Танловда биринчи ўрин совриндорларига магнитофон, иккинчи ўрин совриндорларига замонавий телефон аппаратлари, учинчи ўринни олганларга эса соатлар тантанали равишда топширилди. Мукофотларни топшириш маросимида вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бошлиғи Камолхон Боқиев танлов ғолибларининг заҳматли ишларида катта муваффақиятлар тилади.

***М. ВАЛИЕВ,***
***Наманган шаҳар телефон-телеграф станцияси бошлиғи ўринбосари***

## АВТОМУСОБАҚАДА КЎЧМА АЛОҚА

***Бозор иқтисодиёти шароитида корхона, фирманинг яхши фаолият кўрсатиши учун унинг обрўси муҳим аҳамият касб этади. Обрў ўз-ўзидан келмайди. Эришилган юксак обрўни йўқотиб қўймаслик янада қийинроқ. Порлоқ истиқбол ва улкан ютуқдан умидвор ҳар бир фирма раҳбари, менежери, қолаверса, бутун жамоа бугунги кунда бу масала билан жиддий шуғулланишга мажбур.***

«Ўздунробита» уяли алоқа қўшма корхонаси ўз фаолиятида бу барчага маълум ҳақиқатга мустаҳкам таяниб иш кўради. Бевосита, яъни технологик таъсир имкониятларидан самарали фойдаланиш билан бир қаторда ходимлар фаолияти корхонанинг усиз ҳам юксак обрўсини билвосита йўллар билан янада мустаҳкамлаш ва юксалтириши мумкин бўлган соҳаларга йўналтирилмоқда.

«Тошшаҳарйўловчиавтотранс» корхонаси ўзининг 50 йиллиги шарафига автораллли ўтказишга ҳозирлик кўраётгани маълум бўлгач, Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларидан ўнлаб ташкилотлар қатнашиш учун таклиф этилган бу қизиқарли тадбирни «Ўздунробита» ҳам қўллаб-қувватлаш ва унда қатнашишга қарор қилди.

Аввало мусобақа ташкилотчилари учун ўнта радиотелефон ажратилди — автопойгада шу техник воситаларидан фойдаланилди. Тажрибали ҳайдовчилардан махсус экипаж тайёрланди. Улар уяли алоқа соҳасида ҳам етук мутахассислардир.

Корхонанинг «ВАЗ-2106» автомашинаси пухта тайёрланди ва чиройли жиҳозланди — «Ўздунробита» логотиплари унда кўзга яққол ташланиб туради ва эътиборни тортади. Лекин барибир, муҳими — уяли алоқадир. Қўшма корхона мутахассислари Маҳмуд Отахонов, Дилшод Ҳасанов, Олег Қодиров, Виктор Свиридов, Олег Шуклинлар мусобақада юқори ўринларни эгаллаш билан бир қаторда пойгани ишончли алоқа билан юксак даражада таъминлашга бор куч-ғайратларини сафарбар этишди. Улар бу икки вазифани яхши уддаладилар.

Тошкент — Роҳат кўли — Қибрай — Чирчиқ — Ғазалкент — Чорвоқ — Чимён йўналиши бўйлаб ўтган қарийб 200 километрлик пойга трассасидаги қатнашчиларнинг 80 фоиздан кўпроғи ишончли кўчма алоқа билан таъминланди. «Ўздунробита» экипажи эса, ҳатто раллининг ўттиз қатнашчиси орасида бешинчи ўринга эга бўлди. Шуниси таҳсинга лойиқки, уяли телефонлар бундай мусобақаларда биринчи марта синаб кўрилди ва у ўз афзалликларини намойиш этди. Тошкент шаҳри ва унинг ташқарисида, шунингдек, «Ўздунробита» уяли алоқа тармоғи яқиндагина иш бошлаган Чирчиқ шаҳри ҳудудида, қўйинг-чи, пойгачилар автомобили елдек учиб ўтган бутун йўл давомида уларга ҳамроҳлик қилган телефонлар бехато ишлаб турди. Бу ҳозиржавоблик ва қулайлик мусобақанинг бош ҳомийси «Орият» реклама агентлиги ва мазкур мусобақани ёритган ўзбек телевидениеси журналистлари томонидан юқори баҳоланди.

«Ўздунробита» мижозлар олдида ўз обрўсини мустаҳкамлаш йўлида яна бир дадил қадам ташлади.

***А. ДАРВЕШОВ***

● «Халқ сўзи» газетасининг 1997 йил 18 июнь сонида босилган «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари»ни муштарийлар илтимосига кўра газетамизнинг 2-3-4 саҳифаларида чоп этмоқдамиз.

**● Матбуотда «1997-98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий ўқув юртларига қабул тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.**

● Тошкентда Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Эркин Воҳидов бошқарди.

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Жамият ва бошқарув» журналини чоп этадиган бўлди.**

● Ўзбекистонлик мусаввир Николай Шин Корея Республикасининг олий мукофоти— Олтин Юлдуз билан мукофотланди. Мусаввирнинг асарлари шу кунларда Сеулдаги замонавий санъат миллий музейида намойиш этилмоқда.

**● Футбол бўйича Францияда бўладиган жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинида Ўзбекистон терма жамоаси Камбоджа футболчилари билан рақиблар майдонида такрорий ўйин ўтказиб, 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Футболчиларимиз 13 очко жамғариб, навбатдаги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

● Украинада мамлакат янги Конституциясининг бир йиллиги тантанали равишда нишонланди.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

### •Янгиликлар•Воқеалар•Хабарлар

**● Арманистонда рўй берган кучли сув тошқини натижасида тўрт киши ҳалок бўлди, халқ хўжалигига жиддий зарар етди.**

● Бокуда Озарбойжон коммунистларининг қурултойи тарқатиб юборилди. Чунки республика компартияси ҳанузга қадар белгиланган тартибда Адлия вазирлигидан расмий равишда рўйхатдан ўтмаган эди.

**● Британиянинг собиқ мустамлакаси бўлган Гонконгнинг Хитой тасарруфига тантанали ўтиш маросими бўлиб ўтди. Ана шу тантаналарда дунёнинг кўпгина давлатлари раҳбарлари қатнашди.**

● Туркиянинг янги Бош вазири М. Йилмаз ҳукуматга вазирлар маҳкамасининг янгиланган таркиби рўйхатини тақдим этди.

**● Нидерландлар Россияга кимёвий қуроллар захирасини йўқ қилиб ташлашда ёрдам кўрсатишга қарор қилдилар. Шу мақсадлар учун 15 миллион доллар ажратиладиган бўлди.**

● Халқаро Қизил Хоч қўмитаси Туркманистон ҳудудига ўтган афғон қочоқларига инсонпарварлик ёрдами келтиришни бошлади. Ҳозирги пайтда қочоқлар сони 9 минг кишидан ошиб кетди. Қочоқлар лагерига ичимлик суви келтириш асосий муаммо бўлиб турибди.



# АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ

(Боши 2-бетда.)

тилган телефон рақами бўйича телефон алоқа хизмати кўрсатишни вақтинча тўхтатиш.

**2.7** Телефонни жуфтланган схема бўйича улаш — телефонларни жуфтлаш тўплами (комплекти)ни қўллаган ҳолда иккита абонентни битта телефон линиясига улаш (комплектлар телефон станциясида ва телефон қўйилган жойда ўрнатилади).

**2.8** Охирги қурилмалар — линияга улаш учун аризачи кўрсатган жойга ўрнатилган қурилмалар. Мультиплексор, модем, адаптер, телекс, телефакс, абонент рақам аниқлагич, шахсий электрон ҳисоблаш машинаси, факс-модем платалар, абонент телеграф аппаратлари, радиоузайтиргичлар, телефон аппаратлари ва ҳ.к.лар охирги қурилмаларга киради.

**2.9** Охирги тақсимлаш қурилмалари — техник қурилмалар: улар ёрдамида истеъмолчи учун телефон алоқаси ташкил қилинади. Охирги тақсимлаш қурилмаларига тақсимлаш шкафи, кабель қутиси (яшиги), тақсимлаш қутичаси киради.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛИЙ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

### 3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

**3.1** Телефон ва бошқа охирги қурилмаларни ўрнатиш учун фуқаролар, корхоналар, идоралар ва ташкилотлар электралоқаси корхонасига белгиланган намунада ариза берадилар, шахсни тасдиқловчи ҳужжат, хонадонга, уйга ва ҳоказо эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қиладилар.

Электралоқа корхонасида телефон ўрнатиш учун ариза берган фуқаролар ҳисобга олиб борилади ва рўйхати сақланади. Навбат фуқаролар аризалари бўйича, телефон ўрнатишда имтиёзлардан (иловага қаранг) фойдаланувчи шахслар рўйхатида кўрсатилган тартибда ташкил этилади.

Корхона, идора ва ташкилотларда умумдавлат тармоғига чиқиладиган 8 тадан ортиқ телефон ўрнатиш зарурати бўлганида электралоқа корхонаси томонидан аризачининг ўз маблағи ҳисобидан идоравий телефон станцияси ва уловчи линиялар қурилиши учун техник шартлар берилади. Агар янги абонент линияси (розеткадан охирги тақсимлаш қурилмасигача) узунлиги шаҳар телефон тармоғида 20 метрдан, қишлоқ телефон тармоғида 40 метрдан ошмайдиган бўлса, бажариладиган иш ҳажмидан ва зарур бўлган материаллар миқдоридан қатъий назар абонент томонидан рўйхатга олиш учун маблағ тўлангандан кейин телефонлар ўрнатилади. Телефонни улаш 10 кун ичида амалга оширилади, янги АТС ишга туширилаётган бўлса, абонентга розетка ўрнатилган кундан бошлаб 6 ойдан кечикмай телефон алоқасидан фойдаланиш имкониятини бериш шарти билан бу ишларнинг олдиндан (АТС эксплуатацияга берилгунга қадар) бажарилишига рухсат этилади. Кўрсатилган тўловга алоқа корхонаси телефон тармоғи абонентини расмийлаштиришни ва қайта расмийлаштиришни, телефон аппаратини ўрнатиш бўйича кросслаш ишларини. абонент линияси радиоузайтиргичидан фойдаланган ҳолда бажаради. Рўйхатдан ўтказиш учун тўлов битта розеткани ўрнатиш учун зарур бўлган маблағни ўз ичига олади.

Алоҳида рақамли телефон ўрнатишнинг техник имконияти бўлмаганида, алоқа корхонаси раҳбарияти жуфтланган рақамли телефон ўрнатишни таклиф қилади, бунда телефон ўрнатишга имтиёзи бўлган аризачи билан келишилмайди. Агар аризачи жуфтланган телефон ўрнатилишига эътироз билдирса, унга келишилган нархда телефон ўрнатиб бериш таклиф қилинади. Яъни, томонларнинг келишувига кўра, аризачига телефон ўрнатишга шароит яратиш бўйича бажариладиган ишнинг қисми ёки ҳамма иш учун техник шартлар берилиши мумкин. Бунда шартномада қўшимча қурилиш ишлари учун тўлов кўзда тутилади (Қўшимча қурилиш ишлари учун тўлов рўйхатга олишга тўланадиган маблағдан ташқари асосий ва параллел телефонлар ўрнатилганда, рўйхатга олиш учун тўловда кўзда тутилган меъёрдан ортиқча материаллар сарф қилинганда ундирилади).

Абонент сарфланган материалларнинг ва бажарилган ишларнинг корхона (тузилма, бирлик) раҳбари томонидан тасдиқланган нархи бўйича ҳақ тўлайди, техник шартлар тақдим қилингани ва бажарилган ишлар қабул қилингани учун ҳам ҳақ тўланади.

Техник шартларни бажариш муддати 150 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Шартнома икки нусхада тузилади ва улардан бири абонентга берилади (шартномага имзо чекилгач, ариза телефон ўрнатиш учун рўйхатга олинган саналади), иккинчиси алоқа корхонасида абонентнинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

**3.2** Қабул қилинган ариза қидирув ишлари учун пул тўланганидан кейин алоқа корхонаси томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиши керак, шундан кейин аризачига кўзда тутилган ишларнинг смета нархини кўрсатган ҳолда телефон ўрнатишга шартнома лойиҳаси таклиф қилинади. Истеъмолчи лойиҳа-смета ҳужжатларини мустақил экспертиза қилиш ва шартномага ўз таклифларини киритиш ҳуқуқига эга. Аризачи рози бўлганида телефон ўрнатиш учун шартнома расмийлаштирилади, унда тўловлар (шу жумладан, рўйхатга олиш ва зарур бўлганда линия ишларини бажариш учун тўловлар)ни кўрсатган ҳолда томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек, ўрнатиш муддатлари акс эттирилади.

**3.3** Шартнома бўйича энг катта муддат бир ойдан, магистраль тақсимлаш кабелларини ёткизиш ва қайта қуриш зарур бўлган ҳолларда 150 кундан ошмаслиги керак.

Алоқа корхонаси ва аризачининг ўзаро келишган муддати ҳар тўлиқ 25 кунга шартнома нархини 20 фоизга оширган ҳолда қисқартирилиши мумкин.

Шартнома бекор қилинган ҳолда истеъмолчи аризаси 3.1-бандда баён қилинган тартибда ҳисобга олинади.

**3.4** Фуқаролар янги яшаш жойига кўчганида телефонни рўйхатдан чиқариш, ўрнини алмаштириш, янги варақа очйш ва телефондан фойдаланувчи абонент номини ўзгартириш тартиби:

3.4.1 Абонент бошқа жойга кўчганида хонадонда ўрнатилган телефон унинг хонадонида қоладиган оила аъзоларидан бирининг номига ўзгартирилиши мумкин, абонент номини ўзгартириш учун тўлов амалдаги тарифларга мувофиқ амалга оширилади.

3.4.2 Хонадонлар алмашилганда ҳар икки хонадонда битта электралоқа корхонасига тегишли телефонлар ўрнатилган бўлса, амалдаги тарифларга мувофиқ тўловларни амалга оширган ҳолда абонентларнинг номи ўзгартирилади.

3.4.3 Ҳар қандай асос билан фуқаролар телефонлаштирилган яшаш жойини сотиб олганларида янги яшовчидан ариза тушган ва рўйхатга олиш учун тўлов ҳажмида маблағ тўланган бўлса, мазкур охирги тақсимлаш қурилмаси бўйича имтиёзли навбатда турганлар бўлмаса, телефон бир ой давомида янги яшовчига қайта расмийлаштирилади.

Абонент телефонлаштирилган хонадондан чиқиб кетганида электралоқа корхонаси унга маълумотнома беради. Бу маълумотнома Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унинг янги яшаш жойида имтиёзли тариф бўйича телефон ўрнатиб бериш учун асос бўлади. Маълумотномага электралоқа корхонаси раҳбари томонидан имзо қўйилади.

**3.5** Телефон тармоғи абоненти бўлмаган корхона, идора, ташкилот телефонлаштирилган хоналарни эгаллаган тақдирда ҳар бир телефон аппарати учун рўйхатга олиш учун тўлов миқдорида ҳақ тўланса, телефонлар қайта расмийлаштирилади.

**3.6** Корхона, идора, ташкилотнинг номи ёки тўлов реквизитлари ўзгариши муносабати билан уларда жойлашган телефонларни қайта расмийлаштиришда амалдаги тарифга мувофиқ қайта номлаш учун тўланадиган ҳақ ундирилади. Ижарага берувчи томонидан унинг ҳисобида турувчи телефонли хона банкда ўзининг ҳисоб рақамига эга бўлган корхона, идора, фирма, кооператив, хусусий шахсга ижарага берилганда, ҳар бир телефон аппарати учун рўйхатга олиш учун ҳақни тўлаган ҳолда телефон бир ой муддат ичида ижарачига қайта расмийлаштирилиши керак.

Бу шартлар бажарилмаганда ижарага берувчининг телефони узиб қўйилади, кейинчалик абонемент ёпилади ва телефон рақами алоқа корхонаси ихтиёрига берилади.

Ижара муддати тугаши ёки ижара шартномаси бекор қилиниши билан ижарага берувчи телефон рақамини бир ойлик муддат ичида ижарачи номидан ўз номига ўтказиш ҳуқуқига эга.

Акс ҳолда телефон рақами алоқа корхонаси ихтиёрига берилади, абонент ёпилади.

**3.7** Абонементнинг амал қилиши тўхтатилиши ва тугатилиши мумкин:

— абонент аризасига кўра;

— мазкур Қоидаларнинг 3.6, 6.3.2, 6.3.3, 6.3.4, 6.3.5-бандларида акс этган ҳолларда, 3.5, шунингдек, 5.2-бандлари бажарилмаганда алоқа корхонаси ташаббуси билан.

**3.8** Абонемент линиясига уланадиган телефон ва бошқа охирги қурилмаларни ўрнатиш учун рақамлар ажратилиши ҳақидаги қарор алоқа корхонаси раҳбарияти томонидан қабул қилинади.

Телефон розеткалари абонент кўрсатган жойларга, агар бу жойлар техник меъёр талабларига жавоб берадиган шароитда бўлса, ўрнатилади.

Ўрнатилган розеткага уланадиган телефон аппаратлари ва бошқа охирги қурилмалар техник меъёрларга мувофиқ бўлиши керак.

Телематик хизмат ва маълумот узатиш охирги қурилмалари алоқа корхоналарида рўйхатдан ўтказилиши керак.

**3.9** Ўрнатилган телефон алоқа корхонасининг ташаббуси билан жуфтланган схемага уланиши мумкин:

3.9.1 Абонентнинг розилиги билан, агар:

— абонент телефон ўрнатилишида имтиёзга эга бўлмаса;

— телефон келишилган (тижорат) нархда ўрнатилган бўлса;

— абонент касал ёки ногирон ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган имтиёзларга эга бўлса.

3.9.2 Абонентнинг розилигисиз, агар:

— абонент телефон ўрнатилиши учун имтиёзга эга (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган имтиёзларга эга касал ва ногиронлардан ташқари) бўлса.

3.9.3 Абонент телефони жуфтланган схемага уланиши ҳақида унга ёзма равишда билдирилгандан 10 кун ўтгач, телефон рақами алмаштирилади. Бир вақтнинг ўзида мазкур билдириш билан абонент улаш ишларини бажаришга онгли равишда тўсқинлик қилса, унинг телефони узиб қўйилиши ҳақида огоҳлантирилади.

Телефонлари жуфтланган схема бўйича уланган абонентлардан бири иккинчи абонент телефонининг бир меъёрда ишлашига онгли равишда тўсқинлик қилаётгани аниқланган ҳолда у огоҳлантирилади ва бу ҳол такрорланса, абонемент ёпиб қўйилади.

Қўриқлаш сигнализацияси учун фойдаланиладиган телефонлар идорадан ташқари қўриқлаш бўлимига ёзма билдириш берилгандан кейин 30 кун ичида жуфтланган схемага уланади.

**3.9.4** Бу шартлар алоқа корхонаси билан абонент ўртасида шартнома тузилаётганда ўз аксини топади.

**3.10** Янги телефон станцияларини ишга тушириш ва телефон тармоқларини қайта қуриш муносабати билан телефон рақамларини алмаштириш абонентнинг розилигисиз амалга оширилади.

Телефон рақамлари оммавий тарзда қайта уланган ҳолда оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълонлар берилади ёки эълонлар уйларга кираверишда, маҳалла қўмиталарида осиб қўйилади.

**3.11** Абонентнинг илтимосига кўра, унинг аризасида кўрсатилган муддатда телефонни вақтинча узишга йўл қўйилади. Бу ҳолда абонентнинг телефон рақами сақланади ва абонементнинг сақланиш вақти учун абонемент тўлови ундирилади.

**3.12** Табиий офатлар рўй берганда ва фавқулодда ҳолатларда алоқа корхонаси ташаббуси билан корхона, идора, ташкилотларда ва аҳоли учун ўрнатилган телефонлар ва охирги қурилмаларни вақтинча узиб қўйилишига йўл қўйилади.

**3.13** Маҳаллий телефон алоқа хизматидан фойдаланишдаги имтиёзлар алоқа хизмати тарифларида кўзда тутилади.

### 4. ЭЛЕКТРАЛОҚА КОРХОНАЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**4.1** Алоқа корхонаси мажбуриятлари:

4.1.1 Телефон алоқасининг сифатли ишлашини, балансларида турган ёки ўзлари техник хизмат кўрсатаётган таксофонларнинг телефон алоқа линияси ва станция иншоотларининг ишга яроқли ҳолда сақланишини таъминлайди.

4.1.2 Янги телефон станцияларини ишга туширишнинг ва телефонлар ўрнатишнинг кўзда тутилган муддатлари, кўрсатилаётган ва янгидан йўлга қўйилаётган хизматлар ҳақида маҳаллий радио воситалари, матбуот, телевидение орқали, шунингдек, аҳолини қабул қилиш жойларида, тараққий эттириш цехларида (абонент бўлимларида) эълонлар осиш билан аҳолини хабардор қилади, шунингдек, телефон тармоғига уланган телефонлар ва

(Охири 4-бетда.)



# СПУТНИК СВЯЗИСТА

## ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫЕ СПЕЦИАЛИСТЫ — ЗАБОТА РУКОВОДИТЕЛЯ

***Узбекистан сегодня — страна с обширными и развивающимися международными, экономическими связями. Одним из непременных условий успешного вхождения Узбекистана в рыночную экономику является формирование предпринимательских кадров, отвечающих требованиям современного рынка.***

В условиях рынка, где к руководителю постоянно предъявляются высокие требования, где от его знаний и умения организовать, правильно подобрать и расставить кадры — зависит успешное выполнение стоящих перед предприятием задач, остро встала проблема в подготовке грамотных кадров в таких областях, как, менеджмент, маркетинг, банковское дело, бизнес, планирование, международное право, финансы и кредит, страхование, малый и средний бизнес и т.д.

Именно от этих специалистов зависит воплощение в жизнь экономических реформ, проводимых Президентом и правительством, осуществление реформирования в области связи непосредственно на местах. Поэтому, в апрелемае с.г. Отделом руководящих кадров и учебных заведений Мин.связи РУз, в соответствии с протоколом заседания Комплекса коммуникаций, транспорта и связи Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 апреля 1997 г. был организован семинар в областях с руководителями среднего звена отрасли на тему: «Цели и задачи реформирования производственных отношений на современном этапе развития рыночных отношений в Республике Узбекистан». Лекторами этого семинара выступили преподаватели Ташкентского электротехнического института связи.

За прошедший период, при участии нашего отдела, были проведены несколько специальных семинаров и для руководящих работников отрасли, в том числе семинары, проводимые на базе ЦАУЦТ и ТЭИС с ECI Телеком (Израиль); по международным авторским правам с «Банкинформрейтинг»; с фирмой NEC по беспроводной связи и сигнализации № 7 др.

Однако, обучение руководящих работников и специалистов отрасли имеет определенные трудности. Так, при наличии договоров между ЦАУЦТ и рядом предприятий отрасли, к началу занятий слушатели не пребывают, и тем самым создают угрозу срыва проведения всего курса занятий. Например, с 3 марта с.г. при наличии договоров с Таш. обл. ГППЭ при договоре-1, не прибыл никто, Самаркандским ОГППЭ при договоре-3, прибыл — 1, Сурхандарьинским ОГППЭ при договоре — 2, не прибыл никто из специалистов. Неужели руководители названных предприятий и ответственные за подготовку кадров лица, подписывая и оплачивая договора на учебу, считают, что на этом их работа закончилась. И они по-прежнему руководствуются системой только «для галочки».

В последнее время, многие руководители предприятий стали направлять своих молодых специалистов на стажировку за рубеж. Так, например, в течении 1995—1996 г.г. руководство ТГПОТСиРФ централизовано отправило на стажировку в Германию около 40 специалистов. Сам по себе факт примечательный и положительный. А как использовать полученный опыт специалистов после их приезда? Как получить наибольший эффект от данных стажировок? Вот этот вопрос становится сейчас наиболее актуальным. На Янгиабадском, Хамзинском, Сабир-Рахимовском ТУСах многие из этих специалисты были включены в резерв кадров руководящего среднего звена. Они активно участвуют в технической учебе, проводимой на узлах и станциях. Но многие специалисты других ТУС так и остались «забытыми», «невостребованными», а ведь предприятие затратило на них большие суммы денег и отправляло их не на экскурсию. Однако, до настоящего времени не был проведен ни один «Круглый стол» с участниками стажировок, ни один из специалистов:, выезжавших на учебу, не выступил в отраслевой газете, не высказал свое мнение о полезности данных начинаний. Это необходимо не столько для тех, кто прошел стажировку, сколько для всех специалистов ТГПОТС и РФ.

В Министерстве связи уже практикуется система, когда после обучения на курсах повышения, руководящие работники проводят «Круглые столы», семинары, выступают в отраслевой газете с информацией об учебе, сдают отчеты. На мой взгляд, этот опыт целесообразно внедрить и на предприятиях. Руководители должны не только направлять своих работников на обучение, но и интересоваться их посещаемостью, конечными итогами обучения своих специалистов, требовать от Центров обучения характеристики и отзывы об учебе своих специалистов. Имеет смысл, перед началом обучения проводить предварительное тестирование каждого специалиста, чтобы, с учетом индивидуальной подготовки, определять эффективность посещения курсов подготовки. Это приведет к ответственности и тех специалистов, кто направлен на учебу, и тех, кто организует и проводит обучение Деньги, вложенные в каждого специалиста должны «работать» с большой отдачей для направляющей стороны.

В тех организациях, где руководители правильно понимают жизненно важную необходимость подготовки и переподготовки своих специалистов, приобретение новых знаний для работы в рыночных условиях, там и более успешнее решаются вопросы осуществления экономических реформ. Там же, где руководители не заботятся о подготовке своих кадров, соответственно и происходит «пробуксовка» экономических реформ. И все отговорки руководителей о том, что «сегодня не до этого», «нет времени», «нет денег», лишний раз говорят о том, что данный руководитель живет только сегодняшним днем и не заботится и будущем своего предприятия.

***Л. Р. ЗЕЛЕНИНА,***
***Главный специалист отдела руководящих кадров и учебных заведений МС РУз.***

## АКТИВНОСТЬ ФИРМЫ «DAEWOO»

На объектах телекоммуникаций авторитет компании «Daewoo-Телеком» начал складываться три года назад, когда впервые в Ферганской области был введен в эксплуатацию крупный комплекс цифровых АТС на 50 тысяч линий. Затем были Сырдарьинская область (40 тысяч линий), Бухара (30 тысяч), Андижан (14 тысяч), Ташкентская область (45 тысяч). В итоге — за короткий срок выполнен огромный объем работы по модернизации телефонной сети. В международном конкурсе по развитию и реконструкции телефонной сети города Ташкента, проведенном в 1996 году, «Daewoo» удалось определить 18 других конкурентов. С участием этой компании в областях Ферганской долины создаются совместные предприятия связи.

Удачный старт в Узбекистане, как теперь становится очевидным был только началом крупномасштабной деятельности известной фирмы и в других регионах СНГ. Ряд соглашений подписан с предприятиями России, Грузии, Азербайджана, других стран, А 31 мая корпорация «Daewoo» подписала соглашение с правительством Казахстана о приобретении 40% акций НАК «Казахтелеком», которое до этой поры было государственным.

НАК «Казахтелеком» ранее делал попытки найти партнера для участия в техническом перевооружении отрасли. Несколько лет назад к проблеме подключалось АО «Алкатель».. Затем в мае 1996 года даже Германская компания «Дойче Телеком» намеревалась завладеть 49-ю процентами акций телекоммуникаций Казахстана с затратами в сумме 550 млн. долларов США в течение 5 лет. Немецкая компания получала функции управляющего. Сложными и длительными были переговоры и шаги к сотрудничеству, но в декабре минувшего года наметившаяся дружба «рассохлась». Пока шли переговоры и заключались локальные сделки, от германских партнеров поступали реальные кредиты, используя которые, осуществлялись отдельные проекты модернизации сетей телекоммуникаций. К моменту драматического распада союза с германскими фирмами у казахстанских связистов образовался перед ними долг, на погашение которого только в минувшем году пришлось уплатить 62 млн. долларов США, а это почти 90 процентов всей полученной «Казахтелеком»ом годовой прибыли. Возрастали и проценты по долгам.

Между тем, возрастали и потребности в выполнении намеченных в Казахстане мер по развитию и модернизации телекоммуникаций. В целях привлечения зарубежных инвесторов, без которых казахстанцам оказалось работать не под силу, в текущем году в стране был проведен международный тендер с участием многих известных зарубежных компаний, в том числе германских Simens, Alkatel, британской Virgin Lslands, малайзийской Ysaha Tegas Sdn Bnd, корейской Hanwha Daewoo Corp. Предпочтение было отдано Daewoo. В апреле 1997 года этой фирмой было подписано в Алмате рамочное соглашение, определившее намерения сторон. Теперь в результате подписания новых документов прояснились и конкретные параметры сделки.

В «Daewoo» дали согласие оплатить Казахстану за долю в телекоммуникационной компании 1,37 миллиарда долларов США и инвестировать непосредственно в «Казахтелеком» до 2000 года 1 миллиард долларов США. Соглашение предусматривает, что «Daewoo» до 2000 года выплатить 390 миллионов немецких марок, которые «Казахстелеком» задолжал прежде Германскому инвестиционному агентству Kreditanstalt Fuer Wiederaufban.

С участием корейской компании предусмотрено увеличить телекоммуникационную сеть страны на один миллион линий или с 2,3 млн. до 3,3 млн. телефонов, провести модернизацию оборудования путем внедрения цифровых АТС. Финансовой целью связистов Казахстана является добиться получение к 2000 году дохода от телекоммуникаций в объеме 1 миллиарда долларов США. Время покажет, как пойдут дела на этот раз с новым партнером.Опыт работы «Daewoo» в Узбекистане может ориентировать на успех сотрудничества этой фирмы и в соседней стране.

***А. КУДИНОВ***



*г.Нукус. Старший инженер оптико-волоконной лаборатори Виктор СЕЛЕВЕРСТОВ, техник II разряда Онгарбой АЙТМУРАТОВ и техник III разряда Бахыт ТОРЕЕВ в лаборатории.*

*Фото Даулетияра МУРАТОВА*

## ШЕКЕЛИ ИЗВЛЕКАЮТ ИЗ ЭФИРА

В Израиле сегодня, по данным полиции, насчитывается около сорока нелегальных, «пиратских» радиостанций, буквально заполнивших эфир своими передачами. В отличие от законно действующих радиостанций, а также кабельных телестудий, которым запрещена трансляция рекламы, пиратские радиостанции и системы кабельного телевещания вовсю гонят рекламные ролики, весьма выгодные для рекламодателей ввиду их дешевизны. Поймать же нелегалов крайне сложно, ибо они постоянно меняют место своей дислокации.

Их передачи, помимо серьезного экономического ущерба, создают немало других проблем. Так, сравнительно недавно шестнадцатилетний подросток на несколько часов заблокировал работу международного аэропорта Бен-Гурион, «вломившись» в радиочастоту, на которой работают диспетчерские службы аэропорта.

Кроме того, в Израиле постоянно растет число подпольных коммерческих кабельных телестудий. Недавно, например, полиция обнаружила три таких студии, «обслуживавших» свыше двух тысяч домов в городе Холон. Основным «репертуаром» передач телепиратов были, разумеется, все та же реклама и, конечно, порнофильмы. Причем абонентскую плату с пользователей пиратские студии брали вдвое меньшую, чем действующие на законном основании. И желающих воспользоваться их услугами предостаточно.

Радио и телепираты очень быстро «делают» весьма приличные деньги, не очень-то опасаясь властей. Ведь в соответствии с законом, размер полагающегося штрафа за подобные действия смехотворно мал по сравнению с получаемой прибылью: всего-то в пределах 1.500 шекелей (около 500 долларов США).

# ДАННЫЕ О ЛИЦЕНЗИАТАХ

| № пп | Наименование лицензиата — юридического лица | Номер лицензии серии МС | Дата решения о выдаче | Дата выдачи лицензии | Вид деятельности |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| **г. Ташкент** | | | | | |
| 1. | РПОРТ | 0009429, 0009436 | 28.08.96 | 22.10.96 | 1,6 |
| 2. | Малое предприятие «Эфир-РТ» | 0009496, 0009497 | 20.12.96 | 23.03.97 | 1,3 |
| 3. | СП «Юникс Техно Плюс» | 0009503 | 05.03.97 | 05.03.97 | 3 |
| 4. | «Харуша-Маюр ЛТД» | 0009506 | -»- | 14.04.97 | 3 |
| 5. | Узб. Британское СП «ШАШ КОММЮНИКЕШН» | 0009507 | -»- | 20.03.97 | 4 |
| 6. | Узб. Белорусское СП «Мобильные коммуникации» | 0009508 | -»- | 20.03.97 | 4 |
| 7. | О.О.О. «АТЕК» | 0009515 | -»- | 30.04.97 | 5 |
| 8. | Узб. Индонез. СП «Узбектелеком Интернейшнл, АО» | 0009517, 0009518 | -»- | 12.03.97 | 1,5 |
| 9. | ООО «СТОЖАРЫ» | 0009524 | -»- | 30.04.97 | 6 |
| 10. | Узб. Арабское СП «Истлинк Компани ЛТД» | 0009532 | 14.05.97 | 14.05.97 | 5 |
| 11. | ЧФ «Ателтекс» | 009535 | -»- | -»- | 6 |
| **Бухарская область** | | | | | |
| 12. | ЧФ «Гульшода» | 0009512 | 05.03.97 | 02.06.97 | 6 |
| **Джизакская область** | | | | | |
| 13. | Телестудия «Замин» | 0009510 | -»- | -»- | 6 |
| **Кашкадарьинская область** | | | | | |
| 14. | Муниципальная компания «КАРШИ» | 0009467 | 28.08.96 | 30.12.96 | 6 |
| 15. | Телестудия «НИШАН» | 0009509 | 05.03.97 | 19.03.97 | 6 |
| **Навоийская область** | | | | | |
| 16. | Навоийский горно-металлург. ком-т | 0009525 | -»- | 30.04.97 | 6 |
| **Сырдарьинская область** | | | | | |
| 17. | АООТ «Сырдарья Телеком» | 0009505 | -»- | 10.04.97 | 3 |
| **Ферганская область** | | | | | |
| 18. | МПЧФ «Багдад» | 0009511 | -»- | 02.06.97 | 6 |

**ПРИМЕЧАНИЕ:** Для гр. 5 Виды деятельности проектирование, строительство и эксплуатация:

1. Междугородные телефонные линии связи.
2. Международные телефонные линии связи.
3. Сети сотовой связи общего пользования.
4. Сети персонального радиовызова общего пользования.
5. Сети обработки и передачи данных.
6. Распространение телерадиопередач.

# КОМПЬЮТЕР ВЫБИВАЕТ ДОЛГИ

Нелегкая задача по востребованию долгов на междугородной телефонно-телеграфной станции Лениногорска возложена на экспериментальную компьютеризированную систему.

Компьютер, в которой заложен список абонентов, выискивает должников, созванивается с ними и сообщает о сроках и сумме платы в МТТС. Раньше это делалось «вручную», что занимало много времени, а некоторые абоненты даже после напоминания утверждали, что не знали, сколько и когда должны были заплатить. Компьютер же никогда не забывает о своих звонках, и спросить с ним безполезно.

# ШВЕДЫ ПОХОЖИ НА «НОВЫХ РУССКИХ»

Американские консультативные фирмы «Янки груп» и «Херскел Шостек ассосиэйтс» провели исследования и опубликовали ряд статистических данных о популярности сотовых телефонов.

Насколько распространены сотовые телефоны в разных странах? На первом месте — Швеция и Норвегия (в каждой — 25,0 абонента на 100 жителей). Далее следуют Финляндия (24,7), Дания (24,1), США (14,5), Великобритания (10,6), Италия (8,3), Швейцария (8,2), Германия (6,1), Испания (4,6) и Франция (3,2). Если же говорить об интенсивности использования этого средства связи, то лидирующее положение занимают страны Азии — в среднем 180 минут разговора в месяц с каждого мобильного телефона. Вторую позицию занимают европейские государства — 140 минут. На США приходится 100 минут.

Интересно также, во сколько раз одинаковый по продолжительности разговор по сотовому телефону дороже, чем по обычному. С огромным отрывом по этому показателю лидирует Москва — разница составляет 86,5 раза. За российской столицей следуют Берлин (28,6 раза) и Прага (в 20,9). Теперь приведем данные по американским городам: в Лос-Анжелесе разрыв в стоимости составляет 17,3 раза, в Нью-Йорке — 13,3, в Чикаго — 8,9.

Получается, что пользование сотовым телефоном в Америке сравнительно недорого. Однако многие жители США так не считают: «Крисчен сайенс монитор» делает вывод, что высокая стоимость замедляет темпы распространения этого вида связи по стране. Одна из сторон этой «медали» — американские связисты берут плату не только за звонок с сотового телефона, но и за тот, который поступает на него, причем даже в том случае, если номер был набран ошибочно. Кроме того, обращают внимание эксперты, на стоимости сказывается отсутствие серьезной конкуренции в этой области в отличие от европейских государств.



*Екатерина Акимовна РЯБИНИНА начала свою трудовую деятельность в качестве монтера Ташкентской городской телефонной сети, а ныне работает инженером станции 78-АТС. Благодаря ее усилиям коллектив АТС постоянно находится в передовиках отрасли.*

*Фото Т. ЛУТФУЛЛАЕВА*

# ЧТО МОЖЕТ МАС

***Международная академия связи начала свою практическую деятельность. Сконцентрированный а академии высокий научно-технический потенциал позволяет ей приступить к решению научно-исследовательских и прикладных задач весьма широкого диапазона.***

Организаторы МАС с самого начала поставили себе целью создать элитную в лучшем смысле этого слова организацию. Поэтому нынешнее число академиков (около 150) в процессе роста МАС может удвоиться. Половину численного состава академии составят ученые-связисты, остальные места в равных пропорциях поделят руководители промышленных структур и компаний-операторов связи, при этом до 40 процентов мест может быть отдано зарубежным членам МАС. Основной свой доход МАС собирается получать от выполнения научно-исследовательских работ по заказу фирм. Спектр задач, решать которых будут специальные группы «быстрого научного реагирования», весьма широк. В области прогнозирования МАС берется предсказывать развитие традиционных услуг связи, а также подвижной и спутниковой связи, развитие технологий, техники и индустрии телекоммуникаций.

В область исследований сегодняшнего дня МАС включает развитие сектора саязи как основы инфраструктуры информационного общества. Специалисты академии займутся анализом и выработкой рекомендаций в отношении либерализации телекоммуникационного законодательства, анализом процесса создания и функционирования операторов больших и малых сетей, разработкой реальных проектов по развитию связи в конкретных странах и регионах. Кроме того, МАС активно включается в развитие как глобальных концепций связи, так и отдельных технологий. Официальным печатным органом МАС назван журнал «Электросвязь», но академия, как в целом, так и в лице отдельных академиков активно сотрудничает и с другими изданиями, в том числе и с журналом Connect!, в редколлегию которого входят многие члены МАС, включая президента.

# ТЕЛЕФОН НА ПРОСЛУШИВАНИИ

Федеральное ведомство по уголовным делам и Федеральная прокуратура ФРГ в прошлом году прослушали рекордное число телефонных разговоров. Как сообщила газета «Бильд», с разрешения судей следователи поставили под контроль 4.674 абонентских номера, что на 27,5 процента больше, чем в 1995 году. Кроме того, компетентные органы прослушивали все переговоры, которые велись с 1,9 тысячи мобильных телефонов сотовой связи.

Согласно немецким законам, органам охраны порядка разрешается прослушивать разговоры граждан, подозревающихся в совершении уголовных преступлений. Делается это только с санкции земельных судов.

## БОЛТУН — НАХОДКА ДЛЯ ТЕЛЕФОННОЙ КОМПАНИИ

Согласно стистическим данным, израильтяне — весьма говорливый народ. Может, самый говорливый в мире. Во всяком случае, если иметь в виду разговоры по телефону. «Средний» израильтянин звонит по телефону 1100 раз в году и столько же раз отвечает на телефонные звонки. Впереди — только американцы (1520 разговоров в год). И далеко позади остались немцы (642 разговора), итальянцы (541) и представители всех других народов.

Согласно все той же статистике, средняя израильская семья имеет в своем доме 2,3 телефонных аппарата, около пяти процентов израильтян имеют в своем доме две и более телефонных линии. Например, 37 процентов имеют радиотелефоны, а около 17 процентов — телефоны с автоответчиками. Ежегодный прирост объема услуг телефонной связи составляет в Израиле около девяти процентов.

## МОЖНО ПОПРАВИТЬ ЗДОРОВЬЕ ПО ТЕЛЕВИЗОРУ

Недавно в Тель-Авиве состоялась конференция по телемедицине. Что это такое — телемедицина? Во врачебной практике, как известно, довольно часто прибегают к консилиумам: собираются несколько врачей, крупных специалистов, некоторым приходится ехать издалека, что требует большой потери времени на переезды.

Современные средства связи, видеокомпьютерная техника позволяют участвовать в консилиуеме, буквально не выходя из своего кабинета. Все необходимые данные появляются одновременно на мониторах компьютеров сразу нескольких врачей, находящихся в разных районах страны. Видеотехника позволяет наблюдать за состоянием больного, а телефонная связь — задавать вопросы, советоваться между собой так, как будто все они находятся в одном помещении. Экономический эффект, по предварительным подсчетам, составит около полумиллиона долларов в год.

*Ответственные за выпуск «Спутник связиста» Б. ПАЛАЦКИЙ и Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.*

